*Ўзбекистон — келажаги буюк давлат*

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИНИНГ ГАЗЕТАСИ

20 июнь, пайшанба, 1996 йил
Сотувда эркин нархда. № 124 (1377)

## ПРЕЗИДЕНТ ҲУЗУРИДА ҚАБУЛ

19 июнь куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов Австралиянинг «Вестерн майнинг корпорейшн» компанияси бошқарувчи директори Хью Морган раҳбарлигидаги делегацияни қабул қилди.

Президент Ислом Каримов меҳмонларнинг Ўзбекистонга ташрифини қутлар экан, мамлакатимиз, «Вестерн майнинг корпорейшн» билан ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлади.

Меҳмонлар Ўзбекистон билан «Вестерн майнинг корпорейшн» ҳамкорлигида мамлакатимиздаги айрим конларни ўзлаштириш бўйича қўшма корхона барпо этиш ҳақидаги фикрларини баён қилдилар. Учрашувда, Ўзбекистон билан мазкур компания ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

Қабулда Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ўткир Султонов иштирок этди.

Қабул чоғида Австралиянинг Ўзбекистондаги фавқулодда ва мухтор элчиси Ж. Бентли ҳозир бўлди.



**СУРАТДА: қабул пайти.**
**Р. Нуриддинов олган сурат. (ЎзА).**

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИГА ДОИР

***Эришилган аҳдномага мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов шу йил 23-28 июнь кунлари АҚШда бўлади.***

Ўзбекистон Президенти Ислом Каримов ташриф доирасида АҚШ маъмурияти раҳбарлари билан сиёсий, молиявий, савдо-иқтисодий ва бошқа соҳаларда Ўзбекистон-Америка муносабатларини чуқурлаштириш ва кенгайтиришга кўмаклашувчи бир қанча муҳим учрашувлар ўтказади.

Ташриф давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти АҚШнинг бир қанча штатларида бўлади, Ўзбекистоннинг сармоялардан фойдаланиш имкониятларига бағишланган учрашув ва конференцияларда иштирок этади.

## РУҲИ БАЛАНД БЎЛГАН ЭЛ БАДАВЛАТДИР

***Қадим мозийдан келаётган шундай гап бор. Руҳий бардамлик, маънавий бойлик ҳар қандай тўсиқни енгиб ўта олади. Омад, фароғат эшиклари ўзига, танлаган йўли, орзу-умидларига қатъий ишонган кишиларга янада кенгроқ очилади.***

«Ўзбекистон — Ватаним маним» қўшиқлар кўрик-танловини ўтказишдан кўзда тутилган мақсад ҳам шу эди. Унинг дастлабки босқичлари якунлари кишини қувонтиради. Қисқа вақт ичида она-юрт муҳаббати, Ватанга садоқат, истиқлол шарофати ила юртимизда рўй бераётган эзгу ўзгаришларни мадҳ этувчи кўплаб янги даъваткор, жозибадор қўшиқлар яратилди, янги истеъдодлар кашф этилди.

Кўрик-танловнинг сўнгги — якунловчи босқичини оммавий ахборот воситаларида ёритиш бўйича тузилган Матбуот марказининг навбатдаги йиғилишида ушбу муҳим тадбир муносабати билан республикамиз нашрлари олдида турган вазифалар яна бир бор муҳокама этилди. Марказ раҳбари Аҳмаджон Мелибоев ўз ахборотида таҳририятлар томонидан шу кунгача амалга оширилган ижодий-ташкилий ишлар, ютуқ-камчиликларга алоҳида тўхталиб ўтди. Йиғилишда ҳар бир нашр ўз йўналишидан келиб чиққан ҳолда танловнинг бориши, дастлабки натижалар, янги номлар, жойлардаги айрим муаммолар тўғрисида ранг-баранг мақолалар эълон қилиб боришига, қўшиқчилик санъатимизнинг ривожи тўғрисида мутахассислар, оддий тингловчиларнинг фикрларига ҳам алоҳида эътибор беришга келишиб олинди.

## ОЛИЙ МАЖЛИС ҚЎМИТАСИДА

Олий Мажлис Халқаро ишлар ва парламентлараро алоқалар қўмитасининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Йиғилишни қўмита раиси Эркин Воҳидов олиб борди.

Унда Ўзбекистон Республикасининг «Консуллик Низоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси муҳокама қилинди. Йиғилишда иштирок этган тегишли вазирлик, қўмита вакиллари, мутахассис ҳамда олимлар ушбу Қонун лойиҳаси ҳақидаги фикр-мулоҳаза, таклиф ва истакларини билдирдилар.

— Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, «Консуллик Низоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳасини тайёрлаш жараёнида, энг аввало ривожланган мамлакатларда амал қилинаётган қонунлар мажмуаси чуқур ўрганилди, — деди қўмита раисининг ўринбосари И. Юсупов. — Маълумки, 1994 йил Олий Кенгашнинг 15 сессиясида Вена Конвенцияси ратификация қилинган эди. Шунинг учун ҳам мазкур лойиҳа Вена Конвенцияси қонун-қоидаларига асосланган ҳолда тайёрланаяпти.

Қўмита ишчи гуруҳи аъзолари айни пайтда «Консуллик Низоми тўғрисида»ги Қонун лойиҳаси устидаги ишни давом эттирмоқдалар. Ушбу Қонун лойиҳаси Олий Мажлиснинг навбатдаги сессияси кун тартибига киритилиши мўлжалланмоқда.

**И. ХУДОЁРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*• Ўзбекистон ва жаҳон*

## ЕВРОПА – УЙҒОНГАН «БЕШИК»

***Италияни цивилизациянинг бешиги дейдилар. Дарҳақиқат, ундаги янгиланиш ва ўзгаришлар жараёни бевосита қўшни мамлакатлар, баъзан эса бутун Европага таъсир этган. Европа тараққиёти истиқболини белгилаб берган Уйғониш даври ҳам айнан Италиядан бошланган.***

Шуни айтиш керакки, Италиянинг яқин давргача бўлган тарихи зиддиятлардан иборат. XX асрнинг биринчи ярмидан иккинчи жаҳон уруши тугагунча Италия иқтисодиёти ҳарбийлашган, мамлакатда эса монархия тузуми ҳукмрон эди. Иккинчи жаҳон уруши тугагандан сўнг Италия халқи ўз тақдирини узил-кесил белгилаб, демократик тараққиёт сари қадам қўйди.

Мана, орадан ярим аср ўтиб, Италия жаҳондаги иқтисодиёти энг ривожланган етти мамлакатнинг бирига айланди. Италия тиғ билан эмас, ўз маҳсулотлари билан дунёни забт этди. Бугун «Италияда тайёрланган» сўзлари битилган маҳсулотлар рақобатбардошлиги билан дунё бозорида катта мавқени қўлга киритган. Шу боис, мамлакат экспортдан катта даромад олади. Айни вақтда Италия экспортининг импортдан қарийб икки баробар кўплигини ҳисобга оладиган бўлсак, унинг нақадар иқтисодий қудратга эришганига амин бўламиз.

Хўш, иккинчи жаҳон урушидан иқтисодиёти деярли бутунлай вайрон бўлиб чиққан мамлакат тез орада қандай қилиб ўзини тиклаб олди? Аввало италияликларнинг тинимсиз меҳнати; қолаверса, 1947 йилда мамлакатда бошланган иқтисодий ислоҳотлар республика истиқболини белгилашда муҳим ўрин эгаллади. Ислоҳотлар бошланганига ҳали кўп вақт ўтмай — 1950 йиллардаёқ Италия аграр республикадан саноати ривожланган мамлакатга айланди. Италия ҳукумати иқтисодий ислоҳотлар даврида, асосан, оғир саноат, хусусан, машинасозлик, енгил саноат ва нефтни қайта ишлаш соҳасини ривожлантиришга катта эътибор қаратди. Кичик ва ўрта бизнесни тараққий эттириш эса ҳукумат ички иқтисодий сиёсатининг стратегиясига айланди. Албатта, бу ишларни навқирон республика танҳо ўзи амалга ошира олмас эди. Бунинг энг мақбул йўли танланди — чет эллик шериклар билан ҳамкорлик кучайтирилиб, миллий иқтисодиётга хорижий сармоялар жалб этилди.

Кейинги йилларда Европадаги айрим мамлакатлар иқтисодиётида ўсиш суръатларининг секинлашуви жараёни сезилаётгани ҳеч кимга сир эмас. Бу иқтисодий турғунлик Италияни ҳам четлаб ўтмади. Лекин 1995 йил Италия иқтисодиёти учун муваффақиятли бўлди. Ялпи миллий маҳсулот 3 фоизга ўсди. Бу жиҳатдан Италия Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар орасида биринчи бўлди. Айниқса, саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қарийб тўрт ярим фоизга ошди.

Италия саноати ҳақида сўз борар экан, биринчи навбатда унинг сифатли пойафзаллари, бежирим кейим-кечаги ва жаҳонга машҳур «Фиат», «Альфа ромео» каби автомобиллари киши кўз ўнгида намоён бўлади. Дарҳақиқат, машинасозлик саноати Италия иқтисодиётининг таянчи саналади. Кимё ва нефтни қайта ишлаш саноати ҳам мамлакат миллий иқтисодиётида муҳим ўрин тутади. Бироқ, саноатнинг ривожланиб бориши энг йирик муаммони ҳам келтириб чиқармоқда. Атроф муҳитнинг ифлосланиши ана шу муаммолардан биридир. Шунинг учун жамият экология ҳақида ҳамиша ғамхўрлик қилиши керак. Италияда бу муаммо билан олтмишинчи йиллардаёқ жиддий шуғуллана бошланган эди. Яъни саноат чиқиндиларидан экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Ўшандан буён нефт ва кимё корхоналари чиқиндилари — олтингугурт ва азотнинг экологияни булғаши кескин камайди. Кейинги йилларда Италияда кишиларнинг узоқ умр кўраётгани ва юрак хасталиги каби турли хил касалликлар камайгани атроф муҳитнинг покланиб бораётганидан дарак беради. Айни вақтда Италия бу борада деярли барча Европа мамлакатларини ортда қолдирди. Бугунги кунда эркаклар умрининг ўртача давомийлиги 74 йил, аёлларники эса 80 йилга етди.

Ўзбекистон билан Италия ҳамкорлиги гарчанд анча илгари бошланган бўлсада, ватанимиз мустақилликка эришганидан сўнг, муносабатларимизни янада мустаҳкамлаш учун катта имконият пайдо бўлди. Икки мамлакат ўзаро дипломатия алоқаларини ўрнатди. Қисқа давр ичида республикамизда италиялик ишбилармонлар билан ҳамкорликда ташкил этилган қўшма корхоналар сони кўпайди. Албатта, Ўзбекистонда хорижий сармоялар учун яратилган қулай шарт-шароит бунинг асосий омили бўлди. Италиянинг йирик фирма ва компаниялари республикамизга тобора кўпроқ сармоя олиб киришга интилаётгани ҳам шундан дарак беради. Бугун Ўзбекистонда озиқ-овқат, енгил саноат ҳамда савдо-сотиқ соҳаларида Италия билан ҳамкорликда ўнлаб қўшма корхоналар муваффақиятли фаолият юритмоқда. «Совпластитал» Ўзбекистон-Италия қўшма корхонаси республикамизда ишлаб чиқаришдан катта даромад олаётган ана шундай корхоналардан бири. Куни кеча «Ўзбектелеком» ва Италиянинг «Стет интернейшнл» концернлари Ўзбекистондаги телекоммуникация тармоғини яхшилаш мақсадида «Удинет» номли янги қўшма корхонага асос солди. Мазкур корхона 1999 йилгача 200 миллион АҚШ доллари миқдоридаги сармояни ўзлаштириб, Ўзбекистондаги телефон тармоқларини кенгайтириш билан шуғулланади.

Ўзбекистон ва Италия иқтисодий муносабатлари ривожланган сайин икки мамлакат ўртасидаги товар айирбошлаш ҳажми ҳам кенгайиб бораяпти. Масалан, 1994 йилда Ўзбекистондан Италияга 200,4 миллиард Италия лираси миқдорида маҳсулот экспорт қилинган бўлса, 1995 йилда бу кўрсаткич қарийб икки баробар ортди. Айни пайтда, Италиядан мамлакатимизга 49,5 миллиард лира миқдорида маҳсулот келтирилди.

Бугун Италиянинг халқаро майдондаги обрўси ғоят баланд. Йирик халқаро масалаларни ҳал этишда Италиянинг муҳим ўрни бор. Айни вақтда мамлакат Европа Иттифоқига раислик қилмоқда. Мамлакатимиз Президенти Ислом Каримов Италияга сафари чоғида Флоренцияда Европа Иттифоқига аъзо мамлакатлар давлат раҳбарларининг олий даражадаги навбатдаги учрашуви доирасида Ўзбекистон Республикаси билан Европа Иттифоқи ўртасида шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битимни имзолаш маросимида қатнашади. Мазкур битимнинг имзоланиши Европа мамлакатлари, жумладан, Италия билан ҳам алоқаларимизни янада ривожлантиришга имкон яратади.

**Сангин ЖАББОРОВ,**
**ЎзА шарҳловчиси.**

## БАРВАҚТ БОШЛАНДИ

***Бу йил Қорақалпоғистонда 30 минг гектардан кўпроқ ерга буғдой экилди. Табиий қийинчиликларга қарамай, мўл ҳосил етиштирилди, ўрим-йиғим ҳар йилдагидан анча барвақт бошлаб юборилди.***

Тўрткўл тумани «Шўрахон» фермер хўжаликлари уюшмаси ва Нукус тумани «Шўртанбой» жамоа хўжалиги қишлоқ хўжалик ходимларининг йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўрим-йиғимни қисқа муддатда уюшқоқлик билан ўтказиш, 80 минг тонна буғдой ва 237 минг тонна шолини қабул пунктларига вақтида топшириш тадбирлари белгиланди.

***Сирдарё вилояти Ховос туманининг тоғли Баландчақир қишлоғида икки қаватли замонавий бино — врачлик пункти қуриб битказилди. Янги тиббий асбоб-ускуналар билан жиҳозланган бу шифохона бир йўла 50 беморни қабул қила олади.***

## СОВҒАГА: БИТТАДАН ДАВОЛАШ ПУНКТИ

***Самарқанд шаҳри меҳнаткашлари Вазирлар Маҳкамасининг «2000 йилгача бўлган даврда Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ижтимоий инфраструктурасини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги Қарорини ўзлари учун ҳам дастуриламал деб қабул қилдилар.***

Шаҳарнинг Боғишамол, Темирйўл ва Сиёб туманлари вилоятдаги Гўзалкент, Пайариқ ва Челак каби қишлоқ туманларида туҳфа сифатида биттадан замонавий даволаш пункти қуриб беришга қарор қилди. Шаҳар ҳокимлиги бу ташаббусни қўллаб-қувватлади. Оқтош ва Каттақўрғон шаҳарлари ҳокимликлари ҳам бу хайрли ишдан четда қолмай, қишлоқ жойларида биттадан даволаш пункти қуриб беришга аҳд қилди.

## ЯНГИЛИКЛАР

*КЕЧА, БУГУН, ЭРТАГА*

«Халқ сўзи» ва «ЎзА» мухбирлари хабар қиладилар



*Жарқўрғон туманидаги Т. Шабуров номли жамоа хўжалиги пиллакорлари бу йилги мавсумни кўнгилдагидек якунлашмоқда.*

*Улар бу йил 20 тонна кумуш тола қабул пунктларига етказиб беришди. Ҳосилнинг 60 фоиздан кўпроғи 1 навларга сотилди.*

*СУРАТДА: хўжалик пиллакори Дилором Алланазарова қизи Зумрад билан.*

*И. ХЎЖАЕВ олган сурат.*

## «БЮЛЕР» БАХШ ЭТГАН ИККИНЧИ «УМР»

***Қува ун комбинати иккинчи умрини бошлади, десак, муболаға бўлмайди.***

Корхонанинг тегирмони бутунлай таъмирланиб, жаҳон андозалари талабига жавоб берадиган маҳсулотлар ишлаб чиқара бошлади. Швейцариянинг «Бюлер» фирмасида тайёрланган асбоб-ускуналар Қува унининг шуҳратини ёйишга хизмат қилади.

Янги цехда кунига 250 тонна макарон уни ишлаб чиқарилади. Корхона тизимидаги итальянча усулда ишлайдиган макарон цехида эса 45 тонна маҳсулот ишлаб чиқариш имконияти мавжуд.

***Ангор туманидаги «Новшаҳар», «Мустақиллик», М. Азизов номидаги деҳқон-фермер уюшмалари ғаллакорлари давлатга дон сотиш шартномасини бажарди. Ҳосилдорлик гектар бошига ўртача 40 центнерни ташкил этди. Ҳосилдан бўшаган ерларга такрорий экинлар, жумладан, сабзавот ва маккажўхори экила бошлади.***

## «КАТТА ЖАНЖАЛ» ПРЕМЬЕРАСИ

***Республика Киночилар уйида «Юлдуз» ижодий бирлашмасида яратилган «Катта жанжал» комедиясининг премьераси бўлди.***

Фильмга турмушимизда учраб турадиган воқеалар асос қилиб олинган. Асар қаҳрамони хотини билан ажралишга қарор қилади. Аммо «ажралиш»дан ўзгача мақсад кўзланган эди. У шу йўл билан қўшимча квартира ундириш, кейин уни сотиш орқали мўмайгина пул ишламоқчи бўлган. Ниятига етиш йўлида бир неча марта кулгили аҳволга ҳам тушиб қолади. Ҳатто хотини билан ростакамига ажралиш хавфи туғилади...

## ЙИЛ «ҒУНЧАЛАРИ»

Боғот тумани пахта тозалаш заводига қарашли стадионда бир ҳафтадан кўпроқ давом этган «Футбол ғунчаси — 96» болалар турнири финал беллашувлари ниҳоясига етди. Мамлакатимизнинг деярли барча вилоятларидан келган 12 футбол жамоаси орасида хоразмликлар ғолиб чиқди. Самарқанд ва Жиззах футбол ғунчалари совринли ўринларни қўлга киритди.

## ЯНА 7 ТА ГАЗ ҚУДУҒИ ИШГА ТУШАДИ

***Бепоён Устюрт саҳроси ер ости бойликларини ўзлаштириш давом этмоқда. Ўтган йили Урга газ кони фойдаланишга топширилганлиги бу борада муҳим қадам бўлди.***

Ҳозир бу кондан бир кеча-кундузда режадаги 1 миллион 25 минг куб метр ўрнига 1 миллион 60 минг куб метр газ жўнатилмоқда.

Коннинг иккинчи навбатини тезроқ фойдаланишга топшириш ишлари авж олдирилмоқда. Айни пайтда бешта қудуқдан газ олинаётир. Яқинда яна етти қудуқ фойдаланишга топширилади. Учта қудуқда эса сўнгги тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Бу ишлар ниҳоясига етказилгач, мамлакатимизга ҳар кеча-кундузда 4 миллион куб метр газ етказиб берилади.

## МУРАББИЙЛАР ОРОМГОҲГА БОРИШАДИ

Мактаб ўқувчиларининг ёзги дам олиш кунлари бошланди. «Камолот» ёшлар жамғармаси Жиззах вилоят бўлими бу ишда мутасаддилик қиляпти. Жамғарма жамоаси иштирокида Зомин, Бахмал, Ғаллаорол, Фориш тоғларидаги хушманзара оромгоҳлар тўла таъмирдан чиқарилди, керакли жиҳозлар билан таъминланди.

Жамғарманинг ёзги соғломлаштириш дастурига кўра икки юз нафар тарбиячи, мусиқа ва жисмоний тарбия мураббийлари Абдулла Қодирий номли педагогика институтидаги қисқа муддатли ўқув курсларида малака ошириб оромгоҳларга жўнаб кетдилар.

· Абдурауф Фитрат таваллудининг 110 йиллиги олдидан

***XX аср ўзбек адабиётининг мумтоз вакилларидан бири Абдурауф Фитрат ижодини, айниқса, унинг драматик асарларини ўрганаётган адабиётшунос олим Илҳом Ғаниевнинг «Фитрат, эътиқод, ижод», «Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати», «Фитратшунослик» каби китоблари адабиётимизнинг энг кам ўрганилган даври — 20-30 йиллар адабий оқимлари, турли қараш ва йўналишлари ҳақида бой маълумотлар беради. Чунончи, «Фитратнинг трагедия яратиш маҳорати» монографиясида масалалар талқинидаги изчиллик, илмий жиҳатдан мантиқий яхлитлик кўзга ташланади.***

# «АБУЛФАЙЗХОН»
## БИРИНЧИ ЎЗБЕК ТРАГЕДИЯСИ

«Абулфайзхон» — биринчи ўзбек трагедияси» деб номланган боб фожианинг яратилиш тарихи ва тақдири, ўрганилиши, буюк Шекспир ижоди билан қиёсига бағишланган. Тадқиқотнинг муҳим томони шундаки, Фитрат яшаган мураккаб давр воқелиги, Туркистондаги чор истилосининг даҳшатли фожиаларининг оқибати ва большевиклар тузуми (социализм)нинг зулм-зўрликлари, мамлакатда оммавий шубҳа, қатлиом, шахсга сиғинишнинг авж олиши каби масалалар чуқур, фалсафий мушоҳада қилинади. Маълумки, Фитрат «Абулфайзхон» фожиасини 1924 йил, янги Октябрь тўнтаришидан етти йил кейин ёзган. Асарга аштархонийлар сулоласининг (1597-1747) энг сўнгги ҳукмдори Абулфайзхон даври (1711-1747) тарихий воқелари асос қилиб олинган. Фитрат айтмоқчи бўлган ғоя — зулм ва зўравонликка асосланган ҳар қандай тузум алал-оқибат таназзулга маҳкумлигини тадқиқотчи матн таҳлили орқали, тарихий далилларга қиёсан тўғри ёритган.

Бир қарашда «Шекспир ва Фитрат» фасли гўё анъанавий қиёслашдек таассурот уйғотади. Аммо Шекспирнинг «Ҳамлет» ва «Макбет»и билан «Абулфайзхон» даги ғоя, образ, рамзларнинг оҳори, қиёси ёш олимнинг ўз талқин усулига эга эканлигига ўқувчини ишонтиради.

Кўпгина адабиётшуносликка оид китобларда охири ўлим, фожиа билан тугаган саҳна асари трагедия, деб тушунтирилади, Аммо И. Ғаниев бу таърифнинг мукаммал эмаслиги, ўлим билан тугаган ҳар қандай асар фожиа жанри талабига мос келавермаслигини ҳам алоҳида қайд этади. «Трагедия жанрининг ўзига хос хусусияти шундаки, — деб ёзади у — воқеалар ривожи пировордида қаҳрамонларнинг ҳалокатини туғдиради. Бироқ фожиа-ўлим билан тугашлик трагедиянинг бош хусусияти эмас. Бунда қаҳрамоннинг ўлими зиддиятнинг кескинлигидан, муросасиз кураш жараёнидан, характерларнинг бир-бирига қаршилигидан келиб чиқади. «Абулфайзхон»даги конфликт ҳам ана шундай кескин, чуқур ва келиштириб бўлмайдиган трагик характерига эга. Абдулфайзхон салтанатининг инқирози ва ҳалокатининг бош сабаби ҳам уни ижтимоий тараққиётнинг ўзи инкор қилганлигида.

Китобнинг «Тарихий воқеалар ва бадиий талқин» бобида XVII-XIX асрда яратилган тарих китоблари билан «Абулфайзхон»ни қиёсларкан, муаллиф 20 дан ортиқ тарихий манбани синчиклаб ўрганган. У Фитрат ўз трагедияси учун тарих чорраҳасининг энг зиддиятларга бой, кескин нуқталарини танлаб, бадиий ҳақиқатга айлантирган деган хулосага келади.

Тадқиқотнинг «Абулфайзхон»нинг образлар дунёси ва фалсафий концепцияси деб номланган сўнгги боби тарихий шахслар, бадиий тўқима ва рамзий образлар таҳлилига бағишланган. Олим трагедиядаги бирор бир деталь (тамсил)ни беэътибор қолдирмайди. Асар бошида ёниб турган «Чилчироқ»нинг фожиа охирида даҳшат ичра ўчиши билан боғлиқ жиҳатларигача фалсафий мушоҳада қилади. Фитрат англатмоқчи бўлган рамзлар, сўзлар пардасига ўраб берган ҳақиқатларни ўқувчига тушунтиришга ҳаракат қилади. Айниқса, Хаёл (ноҳақ қатл этилган Сиёвуш руҳи) рамзий образининг талқини ўта жонли, қизиқарли ҳамда ишончли чиққан. Зеро, Фитратнинг миллий истиқлол, Туркистон бирлиги ғоялари ҳам худди ана шу образда намоёндир.

**Абдуғаффор АЛЛАМУРОД.**

# ШАРШАРА



*О. ОДИЛОВ сурат-лавҳаси.*

## РАНГ-БАРАНГ ОЛАМ

### УЧ КУНЛИК ҚАРОР

***Костромада маҳаллий ҳокимият ғалати қарор қабул қилганидан ҳамма таажжубда.***

Қарорнинг мазмуни шундай: «мушук ва итларнинг кўча ва ҳовлиларда бемалол юриши қатъиян тақиқланади». Қарор кучга кирди. Шу билан бирга жойларда ит ва мушук тутадиган овчи гуруҳлари ҳам тузилди. Бироқ ҳужжат моҳиятини ҳайвонларга тушунтиришнинг иложи бормикин? Ҳозирча аҳоли ана шу муаммони қандай ҳал этишнинг йўлини тополмаяпти. Лекин овчилар гуруҳи ҳам ўз вазифаларини сидқидилдан бажаришаяпти. Улар иш бошлаганининг иккинчи куниёқ режасини дўндириб қўйишди. Олтита катта сарой ва атрофи тўр билан ўралган ҳовлилар ит ва мушукка тўлиб кетди. Орадан бор-йўғи уч кун ўтди. Уларни эгалари олиб кетгунча боқишнинг иложи бўлмай қолди. Шу боис маҳаллий ҳокимият ҳайвонларни қўйвориш ҳақида яна битта қарор чиқарди.

### МАШҲУРЛАРИ ТЎПЛАНГАН

***Нижегород шаҳар кинотеатрида антиқа кўргазма очилди.***

Киномарказ хизматчиси Диана Сомова умр бўйи адабиёт ва фильмларнинг аёл қаҳрамон (бош ва машҳур)лари тимсолини акс эттирувчи қўғирчоқларни йиққанди. У ана шу коллекциясини кўргазмага қўйди. Ў-ҳу, у ерда кимлар йўқ дейсиз. Анна Каренинами, Клара Донимерми, «Катта вальс»даги Мануэла, ҳатто ҳабашистонлик машҳур қўшмачи Амнере ҳам шу сафда.

### ФОТОМОДЕЛГА УЙЛАНДИ

***Италиянинг Пиобиччио қишлоғидаги хунук одамлар жамиятининг фаолияти тобора кучаяпти.***

Жамият тузилганига юз йилдан ошди. 1879 йилда 128 киши ўта хунук бўлгани туфайли оила қуролмай бирлашган эди. Ҳозирда уларнинг сони уч мингдан ошиб кетди. Энди улар орасида аёллар ҳам бор. Айни пайтда бу ташкилотнинг устави кучга кирган. Унга кўра жамият аъзоси бўлган эркаклар фақат ўз сафдоши — жамият аъзоси бўлган аёлларга уйланиши мумкин. Шундай қилиб, ташкилот ичида севишганлар сафи тобора ошиб ҳар куни тўй-тўйга уланаяпти. Яқинда жамият раиси Пьетро Певачо устав қоидаларига риоя қилмай ниҳоятда гўзал фотомодел (сурат)га уйланганини ошкор этди. Сафдошлари бутун мамлакатга катта шов-шувга сабаб бўлган унинг бу ишини сотқинликдан бошқа нарса эмас, деб баҳолашди.

# ҲОЗИРЧА ҲАКАМЛАР БОШ ҚАҲРАМОН

UEFA EURO 96 England

***Футбол бўйича ўнинчи бор ўтказилаётган Европа чемпионати айни қизғин паллага кирди. Чемпионат ҳозирча аввалгиларига нисбатан дарвозаларнинг кам ишғол қилинаётганлиги билан фарқ қилаяпти. Жаҳон чемпионатида ўйинлар савиясини терма жамоалардаги «юлдуз»лар белгилаган бўлса, Европа чемпионати майдонида бутун жамоа бўлиб ўйин кўрсатиш хусусияти кўпроқ кўзга ташланяпти.***



Чемпионатнинг яна бир ўзига хос томони шунда кўриняптики, учрашувларда ҳакамлар фаолияти яққол сезилиб турибди. Албатта, майдонда футболчиларнинг қўполлигига қарши кенг миқёсда кураш бошланганлиги ва бунинг учун ҳакамларга катта имкониятлар берилгани яхши, чунки жаҳон миқёсида соф футбол ўйини учун кураш аллақачон кун тартибига чиққан эди. Европа чемпионатида футболчилар ҳаддан ташқари кўп марта огоҳлантирилаётгани ҳам шунинг натижасидир. Эътибор беринг, чемпионатнинг дастлабки тўрт кунидаёқ 47 нафар футболчи огоҳлантирилди, икки нафар ўйинчи эса майдондан четлатилди. Лекин ҳакамларга берилган кенг ҳуқуқ ҳар доим ҳам майдонда ижобий натижа бермаяпти, яъни улар кўплаб хатоларга йўл қўйишмоқда. Жумладан, Руминия терма жамоасининг муддатдан олдин баҳслардан чиқишида ҳакамларнинг ўзига хос «ҳисса»си бор. Терма жамоанинг болгарияликлар билан учрашувида ярим ҳимоячи Константин Гилчанинг кучли зарбасидан сўнг тўп дарвоза тўсинига тегди ва дарвоза чизиғидан ичкарига тушиб, яна майдонга қайтди. Буни шу куни Ньюкасль шаҳрининг марказий стадионига келган кўпгина томошабинлар кўрди, миллионлаб ойнаи-жаҳон мухлислари гол бўлганлигига шак-шубҳа қилган эмас, лекин учрашув ҳакамлари буни пайқашмади. Испания-Болгария учрашувида Стоичков, Италия — Россия учрашувида Казираги (биринчи тўп) ўйиндан ташқари ҳолатда туриб гол уришди. Португалия — Туркия учрашувида эса бош ҳакам португалияликлар дарвозаси томон яққол 11 метрлик пенальтини бермади. Бунинг натижасида Руминия, Туркия терма жамоалари муддатдан олдин баҳслардан чиққан бўлишса, россияликларда 1 фоизлик имконият қолди.

Биз чемпионат олдидан Хорватия терма жамоасининг кутилмаган «совға»лар содир этиши мумкинлигини қайд этгандик. Шундай ҳам бўлиб чиқди. Хорватлар дастлаб Туркия терма жамоасини (1:0), сўнг Европа чемпиони Дания терма жамоасини йирик ҳисобда (3:0) мағлубиятга учратиб, 16 жамоа орасида биринчи бўлиб, 1/4 финалга йўлланмани нақд қилиб қўйишди.

Кеча барча гуруҳларда баҳслар якунланди. 22 июнь куни чорак финалда учрашадиган дастлабки икки жуфтлик эса Англия — Голландия (4:1), Шотландия — Швейцария(1:0), баҳсларидан сўнг маълум бўлади. Демак, чорак финалда Англия — Испания, Франция — Голландия жамоалари ўзаро куч синашади.

**Расул ЖУМАЕВ.**

# БУЮК ҚЎШИҚЛАР

**Анор НАЗАРОВ, «Ўзбекнаво» гастроль-концерт бирлашмасининг бош директори:**

***Ватан — ҳамиша буюк ва суюк сўз, ширин туйғу. Унга бўлган севгимиз, меҳр-муҳаббатимиз ҳеч қачон эскирмайди ва сўнмайди. Аксинча, тобора янгиланиб, мавжланиб, ёлқинланиб боради. Ҳар бир даврнинг шоирлари Ватан ҳақида шеър ёзади, бастакорлари куй бастайлайди, хонандалари қўшиқ айтади. Яқинда бир шоирнинг шеърини ўқиб қолдим. Қуйидаги сатрлари менга жуда қаттиқ таъсир этади:***

*Баҳорингда тоғу-тошлар*
*гуллайди.*
*Қулоқсиз жилғалар шўх*
*қиқирлайди,*
*Саҳролар бағрида қум*
*шивирлайди:*
*Менга саксовулнинг сояси —*
*Ватан.*

Тасаввур қилинг, бепоён саҳро қучоғида, жазирама қуёш остида жизғанак бўлган саксовулнинг соясида бир зум тин олиб, роҳатлангани учун уни ўзига улкан бошпана — Ватан деб биляпти.

Ўзбекистон мустақиллигининг беш йиллигига бағишлаб ўтказилаётган қўшиқлар кўрик-танлови юртимизнинг етти яшаридан етмиш яшаригача дахлдор бўлиб, у ҳар биримизнинг қалбимиз қаватларида ётган туйғуларга жон бағишлади, тилга киритди. Мазкур танловни тарихий воқеа тарзида ўтказиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Чунки бизнинг халқ сифатидаги қиёфамизнинг қай даражада эканлигини, табиийки, маънавиятимиз белгилайди. Қўшиқ эса маънавиятнинг ажралмас, ноёб бир бўлагидир.

OʻZBEKISTON-VATANIM MANIM QOʻSHIQLAR KORIK-TANLOVI

Ўйлашимча, ҳар бир жонкуяр санъаткор, у хоҳ профессионал, хоҳ ҳаваскор бўлсин, ўз қўшиғи билан кўрикда иштирок этишга интилди. Кези келганда мен уларга миннатдорчилик билдириб ўтмоқчиман. Сабаби уларнинг ҳар бири ўз имконияти даражасида танловнинг муваффақиятли ўтишига ҳисса қўшмоқда. Ғолиб бўлавермаса-да, майдонга тушмоқнинг ўзи ҳам жасорат ва мардликдир. Жумладан, ўзимнинг ҳам «Ўзбекистон муштарак», «Озод элнинг ўғлиман», «Мен нечун севаман Ўзбекистонни» номли қўшиқларим танловда қатнашяпти. Ҳамкасбларимдан Д. Омонуллаева, Р. Абдуллаев, А. Икромовнинг ҳам гўзал асарлари бор.

Кўрик-танловнинг якунловчи жараёни бошланиб, 4 йил давоми (1991-95 йиллар) да яратилган асарларни саралаш ҳам ниҳоясига етай деб қолди. Улардан 30 га яқини танлаб олинди. Бундан ташқари «Ўзбекнаво»га қарашли профессионал хонандалар ва эстрада вокал-чолғу ансамбллари томонидан яратилган янги қўшиқларнинг танловда иштирок этиши тўғрисида тавсияномалар тайёрланган. Кенг кўламда ўтаётган кўрик-танловдан умидим катта. Шу муносабат билан газеталар таҳририятига иккита таклифим бор. Биринчиси, газета саҳифаларида халқ фикрига кенг ўрин бериш керак. Иккинчидан, ғолиб қўшиқларни матн ва нотаси билан эълон қилиб бориш мақсадга мувофиқдир. Чунки минг эшитгандан кўра бир бора кўрган афзал, деганларидек, газетада чиққан нарсани ҳар бир одам кўради, ўқийди ва мушоҳада қилади. Қолаверса, кўрик танлов жараёнини ҳамдўстлик мамлакатлари ва чет эл давлатлари ҳам кузатиб бормоқда.

Хуллас, кўнглимни июль ойида тугалланадиган танловда халқ жўр бўлиб айтадиган қўшиқлар кашф этилади, деган ишонч тўлдириб турибди.

**«Халқ сўзи» мухбири Г. ХУСАНОВА ёзиб олди.**

# ЖАҲОН ИҚТИСОДИ ВА ДИПЛОМАТИЯ УНИВЕРСИТЕТИ 1996/97 ЎҚУВ ЙИЛИГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.

Қабул 25 июндан 7 июлгача қуйидаги мутахассисликлар бўйича бўлиб ўтади: халқаро муносабатлар, халқаро журналистика, халқаро ҳуқуқ, халқаро иқтисодий муносабатлар, шунингдек халқаро туризм (контракт — шартнома асосида).

Абитуриентлар қабул комиссиясига қуйидаги ҳужжатларни тақдим этадилар: қабул имтиҳонларида иштирок этиш ҳақида ариза, баҳолари аъло ва яхши, ўрта бали 4,6 дан кам бўлмаган ўрта (ўрта махсус) маълумот ҳақидаги ҳужжатнинг асл нусхаси; турар жой бўйича тиббий муассасадан олинган N 086-У шаклдаги тиббий маълумотнома ва ВКК хулосаси; 3х4 катталигидаги 4 дона фотосурат.

Паспорт ва ҳарбий гувоҳнома (ёки ҳарбий билет) абитуриент томонидан шахсан тақдим этилади.

Имтиҳонлар 8 июлдан 14 июлгача Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети биносида, кўп балли тизим бўйича, компьютерни қўллаган ҳолда махсус тест синовлари орқали ўтказилади.

Университетда ўқиш учун пул тўланади.

Пул тўлови тест синовлари натижалари эълон қилингандан сўнг, Мандат комиссиянинг тавсияномаси бўйича пул ўтказиш ёки накд пул тўлаш усули билан фақат банк муассасалари орқали 1996 йил 20 августгаа бўлган муддат ичида амалга оширилади.

Университетга қабул қилиш рейтинг тизими бўйича олинган балларни ҳисобга олган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ўқув юртларига қабул қилиш комиссиясининг қарори асосида, шунингдек, ўқув учун пул тўланганлигини тасдиқловчи молиявий ҳужжат асосида амалга оширилади.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетига бошқа давлат фуқароларини, шунингдек, чет эл компаниялари, қўшма корхоналар, ассоциация, концерн, фирмалар буюртмаларга биноан қабул қилиш контракт — шартнома асосида амалга оширилади.

**Манзил: 700137, Тошкент шаҳри, Буюк ипак йўли кўчаси, 54, 2-ўқув биноси.**
**Маълумот учун телефонлар: (3712) 67-08-51, 67-09-21.**

# Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университетидаги вакант лавозимларига қабул эълон қилади

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ўзининг юқори малакасига ишончи комил бўлган, ўзбек, рус, инглиз (немис, француз) тилларини билувчи, жаҳон сиёсий тарихи, сиёсатшунослик, дипломатия, социология, умумий иқтисод назарияси, жаҳон иқтисоди ва савдоси, молия ва валюта-кредит муносабатлари, менежмент, маркетинг, халқаро ва фуқаро ҳуқуқи, халқаро журналистика, информатика назарияси, математика, мамлакатшунослик, мантиқ, руҳшунослик, инсоният тараққиётининг тарихий, маданий ва фалсафий муаммолари соҳаларида олим ва мутахассисларни контракт асосидаги илмий-педагогик ишга қабул қилиш ҳақида эълон қилади.

Меҳнат шартномалари ўзаро манфаатли индивидуал шартлар асосида, фан ва тилларни билиш даражасини аниқловчи суҳбат натижаларига кўра тузилади.

Ўқитувчиларнинг иш ҳақи олий ўқув юртларида амалда бўлган маошлардан юқоридир.

Жаҳон иқтисоди ва дипломатия университети ходимларининг фарзандлари учун ихтисослаштирилган гимназия очилган.

Ҳужжатлар (ариза, фотосуратли шахсий варақа, олий маълумот, илмий даража ва унвонлар дипломларининг нусхалари, илмий ишлар рўйхати, университет йўналиши бўйича тайёрланган лекция ва махсус курслар рўйхати ва таркиби, тақриз ва тавсияномалар) 1996 йил 15 июлдан 10 августгача бўлган муддат ичида 700137, Тошкент, Буюк ипак йўли кўчаси, 54 манзилида қабул қилинади.

**Алоқа телефони: 67-16-35.**

# МЕҲРИБОНЛИК

***«Соғлом авлод учун» жамғармасининг вилоят бўлими ишончли ҳомийлар кўмагида ўз фаолияти доирасини тобора кенгайтиряпти.***

Ўтган йили жамғармага «Мерседец-Бенц» фирмаси кўчма амбулатория — «Амбуланс» совға қилган эди. Бу транспорт воситасидан узоқ қишлоқларда яшовчи беморлар ҳам эндиликда фойдаланмоқдалар. Оналар ва болалар соғлигини ҳимоя қилиш, қишлоқ аҳолисига тиббий хизмат доирасини кенгайтириш мақсадида молия бошқармаси жамғарма ҳисобига 150 минг сўм ўтказди. Бу маблағ эвазига Ғаллаоролда болалар учун парҳез ошхонаси, Бахмалда доривор гиёҳ шарбатлари дўкони очилди.

Вилоят матлубот жамиятлари уюшмаси берган йигирма беш минг сўмлик маблағ эвазига ўн беш нафар янги фарзанд кўрган оналарга совғалар, дори-дармонлар етказиб берилди.

**Ҳ. НАБИРАЕВ.**

Ўрта Осиё савдо компанияси
**қуйидагиларни сотади:**

* МАЗ-5336 (суперМАЗ) автомашиналарининг олдинги ойнаси;
* турли хил металл прокатлари (қувур, арматуралар);
* турли хил автошиналар.

Исталган турдаги ишлаб чиқариш-техника ва рўзғор маҳсулотларини (Россия, Қозоғистон, Украина) етказиб бериш ва шундан сўнг ҳисоб-китоб қилиш имконига эгамиз.

Алоқа учун телефонлар: 77-76-95, 78-50-83.
**Тел./факс: 77-77-61.**

Ўзбекистон Республикаси Ижтимоий таъминот вазирлиги Тошкент шаҳар ижтимоий таъминот бошқармасининг собиқ бошлиғи, республика миқёсидаги шахсий пенсионер
**Муновар АРИПОВАнинг**
вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига ва яқинларига чуқур таъзия билдиради.

***032323 рақамли шаҳодатномани тўлдирилмаган варақаси йўқолганлиги туфайли бекор қилинади.***



ХАЛҚ СЎЗИ · НАРОДНОЕ СЛОВО

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир:**
**Анвар ЖЎРАБОЕВ.**

*БЎЛИМЛАР:*
*Парламент 33-57-34;*
*Хатлар 33-07-48;*
*Мерос ва қадриятлар 36-29-89;*
*Қишлоқ хўжалиги 36-07-94;*
*Иқтисодиёт 36-36-65;*
*Маънавият 36-35-60;*
*Тунги муҳарририят 33-10-28.*
*Эълонлар 36-09-25, Вахтёр-33-10-60*

· **МАНЗИЛИМИЗ:**
**700000, ГСП,**
**Тошкент шаҳри,**
**Матбуотчилар кўчаси, 19-уй.**

Навбатчи муҳаррир — Э. Болиев.
Навбатчи — Ш. Каримов.

Рўйхатдан ўтиш тартиби № 0319 Буюртма Г. — 0319 51671 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2 **Босишга топшириш вақти—21.00** **Таҳририятда ҳажми 7 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.**

**«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди.** **Босишга топширилди — 21.30.** 1 2 3 4 5 6